

**Journal of**  
**Natural  
science**

**No5  
2021**

**<http://natscience.jspi.uz>**



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

ТУЯТОРТАР КАНАЛИНИНГ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ  
АҲАМИЯТИ ВА ТАРИХИ

Абдуллаев И. Х.,<sup>1</sup> Каримов И. Э.,<sup>2</sup> Usmanov M.R

**Аннотация:** Мақолада Туятортар каналининг тарихи, Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилигидаги тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган

**Калит сўзлар:** канал, сув омбори, сув ресурслари, суғорма деҳқончилик.

**Аннотация:** В данной статье изучено история канала Туятортар, а также его значение развития орошаемого земледелия в Джизакском оазисе.

**Ключевые слова:** канал, водохранилища, водные ресурсы, орошаемые земледелия,

**Annotation:** In this article, the history of Tuyatartar channel and the importance and significance of exploiting in irrigation of the agriculture in Jizzakh region were analyzed.

**Keywords:** channel, water reservoir water, resources, irrigation.

Кириш. Туятортар канали Зарафшон дарёси сувини Мирзачўлда суғорма деҳқончиликни кенгайтириш мақсадида қазилган қадимий ва дастлабки каналлардан биридир. Ушбу канал орқали Зарафшон дарёсининг суви Сангзор воҳасидаги 30 минг гектардан ортиқ ер сув билан таъминланади. Тарихий манбаларда Туятортар канали милодий II аср бошида қазилиб кичик ариқ сифатида фойдаланилганлиги қайд қилинган.

Асосий қисм. Каналга Туятортар деб ном берилишини географ олим Қ. Хакимов қуйидагича изоҳлаган: ривоятларга кўра, туя юрган йўлнинг изидан канал қазилган ва каналга сув чиқаришда туялардан кўп фойдаланилган. Туятортар канали VI – VIII асрларда ўзаро урушлар натижасида ва араблар истилоси даврида вайрон қилинган. XVI асрда Бухоро хони Абдуллахон II канални қайта тиклаган ва Самарқанд вилояти ҳудудининг суғорма деҳқончилигида кенг фойдаланилган.[1].

XIX асрнинг 60 йиллари Чор Россияси Ўрта Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг Туркистон ўлкасида суғориш ишларини кенгайтириш учун махсус дала - қидирув отрядларини тузиб ушбу ҳудудларга жўнатган. Бунга сабаб, XIX асрнинг охирига келиб, Россияда енгил саноат, айниқса, тўқимачилик тез суъратлар билан ривожланган. Аммо керакли хомашё бўлган пахта асосан, Америка Кўшма Штатларидан сотиб олинган. Пахта хомашёсини четдан сотиб олмаслик мақсадида, 1894 йили Туркистон ўлкасига

<sup>1</sup> Абдуллаев И.Х. - Тошкент давлат педагогика университети, География ўқитиш методикаси кафедраси  
[доценти.ilhomabdullaev1960@mail.ru](mailto:ilhomabdullaev1960@mail.ru)

<sup>2</sup> Каримов И.Э. - Жиз.ДПИ, География ва иктисодий билим асослари кафедраси катта ўқитувчиси. (PhD)

сафар қилган Россия ер ишлари ва давлат мулки вазири И. Д. Ермолаев минтақа табиий шароити билан яқиндан танишиб қайтган ва Давлат Думасининг мажлисида сўзга чиқиб, Туркистон пахтасини нафақат ички бозорни таъминлайди, балки Америка пахтаси билан рақобат қилиб, вақти келганда уни бутунлай Россия бозоридан сиқиб чиқариши мумкинлиги тўғрисида қатъий фикр билдирган. [3].

Бунинг учун мавжуд сув иншоатларини таъмирлаш ва янги каналларни куриш зарурлигини исботлаб берган. Шундан сўнг Мирзачўлнинг шимолий шарқида 45000 гектар ерларни суғориш лойиҳалари тузилади. 1906 йил Жиззах уездининг бошлиғи С. Л. Бержезицкий Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторидан Туятортар каналини таъмирлаб, Зарафшон дарёсидан 10-15 м<sup>3</sup> / сек сув олишга рухсат сўрайди.

1912 йили жуда катта қийинчиликлар билан бўлса ҳам, Жиззах аҳолиси Туятортар каналини 26 км масофада таъмирланади ва 58 км масофага канал қазиганлар. Кўп вақт ўтмасдан, 1915 йил баҳоридаги кучли ёғингарчилик ва сел келиши канални фойдаланиб бўлмайдиган даражага келтирган. Биринчи жаҳон уруши, 1916 йилги Жиззах воқеалари, 1917 йилги қурғоқчилик натижасида Жиззах ерларида суғориш ишлари яна издан чиқди ва суғориладиган ерлар майдони етмиш фоизга қисқарди.[4].

Собиқ Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Сангзор суғориш тизими ҳашар йўли билан қайта тикланиб, ундан Туятортар канали орқали Зарафшон дарёсининг суви оқа бошлади. Фуқоролар уруши даврида ва 1921 йилдаги табиий офатлар туфайли суғориладиган ерлар яна камайиб кетди. Шундай шароитда ҳам суғориш, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ғоялари Жиззах уезди ва Совет ташкилотлари Жиззах воҳасида қишлоқ хўжалик ишларини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

1921 йили аҳоли ариқ ва булоқларни лойқадан тозалаб, Туятортар каналини қайтадан таъмирланди ва шу йили 2000 гектар янги ерлар ўзлаштиришга хизмат қилди. Қишлоқ аҳолисининг кучи билан ўша йили 116 километр, шундан Туятортар каналининг 84 километри ва унга туташ бўлган 42 та ариқлар қайта тозаланди.[5].

Ўрта Осиё сув хўжалиги бошқармаси томонидан қабул қилинган беш йиллик (1925 - 1929) режа бўйича Жиззах чўлида 15000 гектар янги ер ўзлаштирилиши белгиланди. Бу ишларни амалга ошириш учун 1925 йили С. М. Мальцев раҳбарлигида Жиззах қидирув партияси ва 1926 йили М.М.Толбихими раҳбарлигида Сангзор гидрологик партияси ташкил этилди. Натижада, Туятортар каналини кенгайтириш ва сув сиғими 21 млн м<sup>3</sup> бўлган Зулфикорсой сув омборининг лойиҳаси тайёрланди. Лекин бу лойиҳанинг

амалга оширишга Зарафшон дарёсининг сув сатҳи куз ва қиш фаслларида пасайиб, Туятортар каналини сув ўтказиш имконияти 2 маротабагача камайиши тўсқинлик қилди, шунинг ҳам учун, канал йўлида кичик тўғонлар куриш билан чекландилар. [6].

1930 – 1936 йиллари давомида Сангзор ирригация тизими ва Туятортар каналидан сув оладиган тармоқларнинг бош қисмида, кичик тўғонлар қурилди. Натижада 5000 гектар янги ерлар ўзлаштириш имкони туғилди. 1959 – 1965 йилларда Жиззах аҳолиси Туятортар каналини механизация кучи билан кенгайтirdи ва каналдан 25 – 30 м<sup>3</sup>/сек сув оқими ўтишига эришилди.

Туятортар каналида сув оқимининг кўпайганлиги сабабли, Зарафшон ва Сангзор дарёларини боғлаб турган бу канал ўзанининг табиий ботиғида 1987 йили Қоровултепа сув омбори қурилди. Мазкур сув омбори Туятортар канали орқали куз ва қиш мавсумида тўлдирилиб, унинг тўлиқ ҳажми 53,0 млн м<sup>3</sup>, тўғоннинг максимал баландлиги 40 метр, максимал сув ўтказиш имконияти 50 м<sup>3</sup>/сек ташкил этди.

Сув омбордан Ғаллаорол туманидаги ерларни суғоришда, Сангзор дарёсига сув ташлашда фойдаланилади. Қоровултепа сув омбори сув оқизиб келиб тўлдириладиган сув омборлар турига киради. Сув омборнинг сув билан тўлдириш манбаи бўлиб Туятортар канали хизмат қилади.[7].

Кейинчалик, 1967 йили Туятортар каналининг сувлари Жиззах сув омборига ҳам қуйиладиган бўлди. Ҳозирги кунда Туятортар каналининг узунлиги 108,2 км, сув ўтказиш имконияти 50 м<sup>3</sup>/сек. Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги 34 минг гектардан ортиқ экин майдонлари Туятортар каналининг сувлари орқали суғорилади.

Хулоса. Жиззах вилояти ҳудудида эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилиши, саноат корхоналарининг кўпайиши, саноатнинг ривожланиши ҳамда, қишлоқ хўжалиги экинларига талабнинг ошиб бориши Туятортар канали аҳамиятини янада оширмоқда. Туятортар канали энг аввало қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ва қолаверса минтақа аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилган. Бугунги кунда ҳам каналдан Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг Бахмал, Ғаллаорол, Ш.Рашидов ва Булунғур туманлари қишлоқ хўжалик тармоқлари ҳамда шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг аксарияти тоза чучук сув манбаи сифатида фойдаланиб келмоқда.

Туятортар каналининг яна бир гидрологик аҳамияти шундан иборатки, ундан олинаётган сув ресурсларидан, Жиззах вилоятининг катта ва кичик сув иншоатлари таъминланади ҳамда вилоятнинг замонавий орогидрографияси шакллланган.

Сўнги пайтларда вилоятда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофазасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Жумладан, ер ости ва ер усти сув ресурсларининг табиий географик ҳолатини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан, сув ресурсларининг географиясини ўрганиш, уларнинг даврий ва мавсумий динамикасини таҳлил қилиш, бунда замонавий инновация ва методлардан фойдаланиш ва уни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган далаларда томчилаб суғориш тизими тадбиқ қилиш каби чоралар муҳим амалий вазифалардан ҳисобланади.

Энг асосийси, кишиларда сувга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларда сув ва унинг табиий-антропоген тизимлари, жумладан, сув омборлари ва каналлар сувларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларни муҳофаза қилиш, долзарб илмий ва амалий вазифадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Абдуллаев, И. Х., & Каримов, И. Э. (2020). Жиззах сув омбори таъсири доирасида табиий-антропоген ландшафтларни районлаштириш масалалари. *География: природа и общество*, 1(2).

2. Каримов, И. Э., & Абдуллаев, И. Х. (2020). Географические особенности функционирования джизакского водохранилища. In *фундаментальные и прикладные исследования в гидрометеорологии, водном хозяйстве и геоэкологии* (pp. 97-100).

3. Usmanov, M. (2020). Аграр соҳадаги ислоҳатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-6.

4. Abdullayev, I., & Xolmirzayev, J. (2020). Жиззах сув омбори ва ундан оқилона фойдаланишнинг географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

5. Абдуллаев, И. Х., Каримов, И. Э., & Ёқубжонова, Г. Х. Влияние водохранилищ на природную среду.

5. Обидов, У., & Мадаминов, З. (2020). Фарғона водийсида иқлимий ва гидрологик тадқиқодларнинг олиб борилиши. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-7.

6. Тошбоев, З. (2020). Жиззах вилояти қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтлари геоэкологик ҳолати. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-4.

7. Намозов, Ф. (2020). Дўстлик тумани ер ресурслари ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик хусусиятлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

8. Usmanov, M. (2020). Жиззах вилояти сув ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

9. Usmanov, M. (2020). Жиззах вилояти сув ресурсларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
10. Қурбонов, К., & Зиқиров, Б. (2020). Экологик муоммолар: Барқарор ривожланиш ва истиқболлар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Қаюмова, М., & Зиқиров, Б. (2020). Аграр ислохатларни амалга оширишнинг ўзига хос географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
12. Usmanov, M. (2020). Ўзбекистон чорвачилик агросаноат комплекси: унинг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-5.
13. Усмонов, Ю., & Борлибоев, Т. (2020). Жиззах вилояти тупроқларининг шўрланиш сабаблари ва шўрланишга қарши чора тадбирлар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Ғозиева, М., & Артиқов, С. (2020). Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни лойиҳалашнинг геоэкологик асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
14. Usmanov, M. (2020). Мирзачўл табиий географик райони ҳудудининг тупроқ қоплами мониторинг тизимини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-7.
15. Gapparov, A. (2020). Жиззах вилояти тоғли туманларда сув хавзаларининг аҳоли жойлашув тизимларига таъсири. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
16. Gapparov, A. N. (2020). Characteristics of population development in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 572-578.
17. Ҳакимов Қ. М. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах. 2014.
18. Тоиров Х. Мирзачўлни ўзлаштириш. - Тошкент. 1984.
19. Массальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СРб, 1892.
20. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. И- 21, ОП – 1, Д – 650, 20 – 21 – варақ.
21. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. И- 70, ОП – 1, Д – 4958,66 – варақ.
22. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ж-215, Р –1, СБ – 29, В – 25.
23. Архив “Средазгипроводхлопок” инв. 987, В- 5 – 6.